

АМИР ТЕМУР АЖДОДЛАРИ

(Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асаридан
терма-таржима)

Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи
ОМОНУЛЛА БҮРИЕВ

Масъул мұҳаррір:
АСОМИДДИН ЎРИНБОЕВ
тарих фанлари доктори



**Қомуслар Бош таҳририяти
Тошкент**

**Таҳририят мудири М. АМИНОВ
Муҳаррир А. АБДУРАХИМОВ**

**Бадийи муҳаррир Х. МЕХМОНОВ
Техник муҳаррир Д. МАҚСУДОВА**

A 0403000000 92
358—92

© Комуслар Бош таҳририяти, 1992.

Теришга берилди 1992.05.10. Босишга рухсат этилди 1992.11.12. Қоғоз бичими
60×90¹/16. Нашриёт-хисоб табори 2,2. Тиражи 100 000. Буюртма № 7350. Баҳоси
шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат комитети Тошкент матбаса комбинатининг
ижарадаги корхонасида терилиб Тошкент картография фабрикасида босилди.

Комуслар Бош таҳририяти, ГСП, Жуковский кўча, 52-йй.

КИРИШ

Амир Темур кўрагон, ўз даври тарихчилари қаламида, ҳазрат Соҳибқирон, Ўрта Осиёда мўгулларнинг қарийб 150 йиллик ҳукмронлигини тугатиб буюк давлат тузган, оламга донғи кетган ва зафарлари тарих зарваракларида битилган жаҳонгир сulton.

Амир Темурнинг ҳарбий юришлари тарихига бағишланган асарларнинг дастлабкилари ҳали Соҳибқирон тириклигидәёқ ёзилган бўлиб, бу анъана кейинчалик, унинг ўғли Шоҳрух салтанати даврида ҳам давом этди. Тарихчилар Низомуддин Шомийнинг «Зафарнома», Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ат-таворих», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Фасих Аҳмад Ҳавофийнинг «Мужмали Фасихий», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матла ас-саъдайн», Ибн Арабшоҳнинг «Ажоиб ал-мақдур» каби асарлари ўша даврнинг қимматли ёзма манбалари ҳисобланади. Бу тарихий асарлар мазмун жиҳатдан битта мавзу — Темур ва темурийлар тарихини ўз ичига олади, баъзи ҳолларда бир-бирини тузатади ва тўлдиради ҳам.

Шарафуддин Али Яздий Эроннинг Язд шаҳри якинидаги Тафт кишилогида дунёга келди ва илм-фан мухлислари назаридаги кенг савияли олим сифатида танилди. У тарихнависликдан ташкари яна фалсафа, фалакиёт, адабиёт ва тасаввуфга оид асарлар ҳам ёзган. Бироқ тарихда, асосан, «Зафарнома» асари билан машҳур бўлиб қолди.

«Зафарнома»нинг ёзилиш тарихи Шоҳрухнинг ўғли, Форс ўлкасининг ҳукмдори Иброҳим Султон (вафоти 1435 й.) номи билан боғлиқ. Шаҳзода бобоси Амир Темур ҳақида бир мукаммал ва ҳаққоний тарих битиб қолдирмоққа аҳд қиласди. У дастлаб, ўз даврида Темурга бағишлаб ёзилган барча асарларни жамлашга киришади, тўғрилиги ҳақида гумонсираган маълумотларни мушоҳидлар воситасида синчилаб текширитиради ва ҳ. к. Ниҳоят маълумотлар тўпланиб таҳрирдан ўтгач, Али Яздийга уларга бадиий жиҳатдан шакл бериб, форс тилида тўла бир китоб килиш топширилган ва бу ишга 822/1419 иили киришилганилиги унинг «Муқаддима» кисмида кайд этилган (в. 76). Шу билан бирга, тарихчи Абдураззоқ Самарқандий «Зафарнома» 828/1424—25 иили ёзib тугалланди, деб ёзади. Демак, китоб олти йил давомида ёзилган бўлади. Асар аниқ маълумотларга бойлиги ва юксак бадиий

маҳорат билан ёзилганлиги сабабли, ўз даврида ҳам, кейинчалик ҳам доим назар-эътиборда бўлиб келди.

Мақсадимиз, Амир Темурнинг аждодлари ҳақида ёзиш бўлганлиги учун биз «Зафарнома» даги ана шундай хабарларга тўхтаб ўтмоқчимиз.

Иброҳим Султон «Зафарнома»ни ёзишга фармон берганида Соҳибқироннинг жанг-жадалларини ўқиган киши табиийки, унинг насл-насаби билан ҳам қизиқади, деган хulosага келган бўлиши керак. Зоро, «Зафарнома»га ёзилган каттагина кириш қисм — «Муқаддима» бунга исботdir. Унда Али Яздий шахзода Иброҳим Султон ушбу тарихда Амир Темур насиби то Одам-Атогача етказилишини талаб қилганлигини таъкидлаб ўтади. Шу сабабдан, «Муқаддима»да мақсад бир мунча кенгроқ қўйилган бўлиб, анча узоқ тарихий давр камраб олиган. Али Яздий ушбу кириш қисмда Амир Темур турк султонлари оиласидан ва улуғ ҳоқонлар хонадонидан эканлигини ҳисобга олиб, у сўз баёнини туркий султонлар шажарасига қаратганини ҳам эслатиб ўтган. Шу муносабат билан Чингизхоннинг сиёсий майдонга келиши, Ўтга Осиёни забт этиши, Чигатой улуси ҳукмдорлари ҳам тавсифлаб ўтилган.

Хозирги вақтда илм-фанда Амир Темур аждодлари ҳақида ёзилган ишлар қисқа эслатмалар ва илмий мақолалардан иборат. Улар орасида А. З. В. Тўғон, Ж. Е. Вудс ва А. А. Семёнов мақолаларини кўрсатиш мумкин.

Маълумки, Амир Темур аждодлари шажарасига оид маълумотлар қандайдир манбаларга таянган ҳолда ёзилгандир. Ушбу мавзуга оид манбаларнинг бир хили туркий-мўғул ёзма маълумотларидан иборат бўлса, бошқа бир қисмини араб алифбосида ёзилган асарлар ташкил кияди.

Туркий-мўғул манбалар жумласига «Мўгулларнинг яширин тарихи» (625—626/1228 йили ёзилган) номли асарни, шунингдек туркий султонлар шажараси ҳақида сўз борадиган турли манбаларни киритиш мумкин.

Мусулмон манбаларидан дастлабкиси машҳур олим Рашид ад-Дин Фазлulloҳ ибн Имод ад-Давла Абулхайр Ҳамадонийнинг (645/1247—48—718/1318 йиллар) «Жомиъ ат-таворих» (700/1300—710/1310 йилларда ёзилган) номли асаридир. Тўрт катта қисмдан иборат бу кимматли манбанинг уч қисми умумий тарих ва охирги тўртинчи қисми («Сувар ал-ақолим») географияга оид бўлган. Ҳалқлар тарихи мавзуи бу асарнинг иккинчи, айниқса, «Шуоби панжгоно» деб аталувчи учинчи қисмидан ўрин олган; туркий подшохлар шажараси ҳам ана шу учинчи қисмда берилган. «Жомиъ ат-таворих» кейинги даврларда ёзилган бир канча тарихий, айниқса туркий султонлар шажарасига бағишлаб ёзилган асарлар учун бош манба вазифасини ўтади.

15- асрда туркий султонлар шажарасига Амир Темур аждодлари ҳам илова қилинган асарлардан бири «Муизз ал-ансоб» дир. Унинг муаллифи Темурийлар саройи тарихчиларидан бири бўлса керак, деб тахмин қилинади. «Муизз ал-ансоб»да Рашид ад-Диннинг «Жомиъ ат-таворих» асаридаги туркий султонлар ҳақида ёзилганларга Амир Темур аждодлари ва темурийлар хонадони тўғрисида маълумотлар қўшимча қилинган.

Амир Темур аждодлари ҳақида маълумот берувчи яна бир манба, бу Ҳофизи Абронинг «Зубдат ат-таворих» асари. Ҳиротлик тарихчи Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид (лақаби Ҳофизи Абру; вафоти 830/1427 й.) дастлаб Амир Темур хизматида бўлиб, кейинчалик Шоҳруҳ саройида таникли тарихчи эди. Унинг «Зубдат ат-таворихи Бойсунгурний» («Бойсунгур тарихининг саралари») асарида Амир Темур ва Шоҳруҳ юришлари баён этилган. Бу асар муаллифнинг «Мажмасъ ат-таворихи султония» («Султонлар тарихи мажмуаси») номли тўрт жилдлик йирик тарихий асарининг (826/1423—830/1427 йилларда ёзилган) тўртинчи жилдидир.

«Зубдат ат-таворих»да Амир Темур аждодлари қўйидагича тавсифланган:

Султонлар султони Амир Темур кўрагон ибн амир Тарағой-нўён ибн амир Буркул ибн амир Илангиз-нўён ибн амир Ийжил-нўён ибн амир Қарабор-нўён ибн амир Суғу-сичон (Чечан) ибн амир Эрдамчи-нўён ибн амир Қачулой-нўён (Кочули) ибн Туманойхон (Туманаҳон) ибн Бойсунгурхон ибн Қайдухон ибн Дутумманихон ибн Бўқоҳон ибн Бўданчархон (Бўзунжархон) ибн Алонқуво, унинг наасаби қуёш нуриданdir.

Ҳофизи Абру ёзишича, шажаранинг Амир Соҳибқирон тармоғи Чингизхон аждодларидан Туманойхон (Туманаҳон) фарзандларидан бошлаб ажралади. Жумладан, Қабулхон жаҳонгир подшоҳ Чингизхоннинг учинчи отаси ва унинг биродари Қачулой-нўён эса, амир Соҳибқироннинг саккизинчи отасидир. Барлослар қабиласининг номи ҳам Қачулой-нўёндан бошлаған. Чингизхон ўзининг иккинчи ўғли Чигатайхонни Туркистон ва Мовароуннаҳр мамлакатларига ҳукмдор қилиб тайинлаганда, амир Соҳибқироннинг бешинчи отаси Қарабор-нўён унинг лашкарбошиси бўлган ва «амир ул-умаро» («амирлар амири») деган унвон олган. Кейинчалик Чигатай улусида ҳокимият учун ички низолар кучайиб кетганлиги сабабли, Қарабор-нўённинг фарзандлари ва қавм-қариндошлари Кеш вилоятига келиб ўрнашиб, шу ерда яшаб қолганлар; унинг авлодлари ўша вилоятни бошқарганлар. Мовароуннаҳр ҳукмдорлари ҳам уларнинг ана шу хукукини саклаб келганлар.

Ҳофизи Абру ўз маълумотларини Соҳибқирон аждодлари шажара-сидан олганлигини таъкидлаб ўтади. Демак, у юкорида қайд этиб ўтилган «Муизз ал-ансоб»дан ҳам фойдаланган. «Зубдат ат-таворих»да Қарабор-нўённинг фарзандлари кўп бўлганлиги қайд этилиб, улардан ўн тўққиз ўғилнинг номини, шу ўғиллардан тарқалган кейинги авлоднинг машҳурроқларини санаб, айримларининг шажараси то ўзи яшаб турган давргача давом эттирилган ва уларнинг қандай мавқени эгаллаб турганликлари ҳам ёзилган.

Жумладан, Қарабор-нўённинг олтинчи ўғли Ийжил-нўён бўлган ва унинг фарзандларидан бири Илангиз-нўён (Илангиз) эди. Бу нўённинг бир неча фарзандлари бўлиб, улардан бири Соҳибқироннинг бобоси Буркул-нўёндир. Унинг икки ўғли бўлган экан: бири — Балта (қўллэзмада ёзилиши ноаниқ, тахминий ўқилди), иккинчиси — Тарағой нўён, яъни Амир Темурнинг отаси.

Тарағой-нўённинг тўрт ўғли ва икки қизи бор эди: ўғиллар — (Амир) Темур, Суоргатмиш, Оламшайх, Жўги-нўён; қизлар — Кутлуғ Туркон-оғо, Шербийқ-оғо.

Хофизи Абру бу фарзандларнинг ёш жиҳатдан қайси бири катта ёки кичиклиги ҳақида аниқ ёзмаган. Лекин унинг, Амир Темур Шаҳрисабз ҳокимлигини эгаллади, деганини ҳамда туркий халкларда одат бўйича катта ўғил ота ўрнида тахтга ўтиришини (бу ҳақда Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»да айтган) хисобга олинса, у ҳолда Амир Темур фарзандлар орасида энг каттаси бўлади.

Хофизи Абру ўз асарида Амир Темур аждодлари ҳақида сўз юритиш билан бирга, Соҳибқироннинг илм ахлига жуда катта эътибор берганлигини, тарихлар, ҳикоятлар, қиссалар ва ривоятлар тингламоқка майли кўп эканлигини, тарих ва ансоб илмида, айниқса туркий, араб ва ажам халклари ҳақида кенг маълумоти борлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Демак, айтиш мумкинки, ана шу даврда шажарага, жумладан, туркий султонлар шажарасига кўп эътибор берилганлигига маълум даражада Соҳибқироннинг бу соҳага бевосита қизиқиши ҳам сабаб бўлгандир.

Дарвое, Соҳибқирон аждодлари ҳақида 15- аср бошида Ҳусайн ибн Али Шоҳ томонидан бир чизма берилганлиги ҳам маълум.

Демак, Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарининг «Муқаддима» қисмини ёзишда Рашид ад-Диннинг юқорида қайд этилган асарларидан, шунингдек, туркий манбалардан ҳам фойдаланган. Агар «Муизз ал-ансоб»нинг 830/1426—27 йили Шоҳрухга тақдим этилганлигини ва Хофизи Абру «Зубдат ат-таворих» асари 826/1423—830/1427 йиллар давомида тузилганлигини эътиборга олинса, у ҳолда Али Яздий «Зафарнома»си вакт жиҳатдан бир мунча олдинроқ (822/1419—828/1424) ёзилган бўлиб чиқади. Али Яздийнинг ўзи «Муқаддима»да ҳанузгача бундай асар ёзилмаганини таъкидлаб ўтганлиги ҳам ушбу хуносани тасдиқлайди.

Амир Темур аждодлари шажарасининг битик, яъни тошга ўйиб ёзилган ёдгорлик шаклидагиси ҳам бизгача етиб келган. Бу Самарқанддаги машхур Гўри-Амир мақбарасидаги Амир Темурнинг қош тош (нефрит)га битилган остки ва мармарга ўйилган устки қабр тошларидаги ёзувлардир. Уларнинг арабча матни ва рус тилига таржимасини таникли шарқшунос А. А. Семёнов илмий мақола тарзида эълон килди (1948 йил).

Қош тошни Улугбек кўйдирганлиги битикнинг ўзида қайд этилган, у тошни 828/1425 йили Мўгулистандан, ўша ўлкага қилган юриши чогида олиб келган эди. Устки мармар тош ҳам айнан бир вактда кўйилган, дейиш мумин, чунки тошлардаги битиклар мазмун жиҳатдан дэярли бир хил. Ушбу тошлардаги битикларда Амир Темур аждодлари шажараси кўйидагicha келтирилган:

«Амир Темур кўрагон ибн амир Тарагой ибн амир Буркул ибн Илангиз ибн амир Ийжил ибн амир Каракор-нўён ибн амир Сўғу-чечан ибн амир Эрдамчи-барлос ибн амир Қочули ибн амир Туманай». Шундан сўнг шажара Чингизхон номи билан давом этади:

«Чингизхон ибн амир Ясугай-баҳодир ибн амир Буртон-баҳодир ибн амир Қабулхон ибн амир Туманай ибн амир Бойсунур ибн амир Қойду ибн амир Тутумманин (Дутумманин) ибн амир Буго ибн амир Бўзунжар; «Дутумманинхон», бул аслзоданинг отаси кимлиги номаълум, онаси эса Алонқуво бўлган; ривоятга кўра, бу ҳолат хиёнат қилиш

бўлмай, балки ҳақиқий нур воситасида юз берган ва у (нур) Оллоҳнинг шери Али ибн Абу Толиб авлодига мансуб бўлган».

Битикдаги шажаранинг охирги жумласи, яъни Али номи билан боғлиқ ривоят Ҳофизи Абронинг юқорида қайд этилган «Зубдат атаворих» асаридаги шажарада ҳам, шунингдек, Али Яздий «Зафарнома»си матнида ҳам йўқ, демак у тошга битик ўйилган пайтда қўшимча килинган. Шу билан бирга, битикни тузишда юқорида санаб ўтилган ёзма манбалардан фойдаланилгани аниқ.

«Зафарнома» муаллифи томонидан Амир Темур ота-боболарини аниқлашдан кўзланган яна бир мақсад, Соҳибқироннинг сultonлар хонадонига мансуб эканлитини исботлаш бўлган. Бу ҳақда китобнинг асосий қисмида Амир Темурга бағишлаб ёзилган мадҳиянинг охирги сатрларида ўқиши мумкин:

Шундай Соҳибқирон шухрати билсанг,
Насаби ҳақида гар суриштирсанг.
Отадан отага то Одам-ато
Бори шоҳлик тахти узра қўймиш пой.

Тарихчи Ҳофизи Абру ҳам Амир Темурнинг аждодлари ҳақида сўз юритар экан, улар улуғ амирлар ва номдор сultonлар эди, деб таъкидлайди.

«Муқаддима»даги маълумотлар кейинчалик ҳам ушбу мавзуда асарлар ёзишга туртки бўлди. Жумладан, Улугбекнинг «Тарихи арбъя улус» («Тўрт улус тарихи») асари тўла тўқис ана шу «Муқаддима»га таяниб ёзилган. Абдулғозий Баҳодирхон (1603—1664 йиллар) «Шажарайи турк» асарида: «Шарафуддин Яздий «Зафарнома»нинг «Муқаддима»синда айтиб ўтуур», деб ана шу манбадан фойдаланганини аниқ равшан таъкидлаб ўтади.

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарининг «Муқаддима» қисмидан берилган куйидаги таржима парчада Амир Темур аждодлари мавзуига дахлдор лавҳаларгина олинди, қисқартирилган матнлар изоҳлаб ўтилди. Таржимон изоҳлари ва қўшимчалари куюқ ҳарфлар билан ёки қавс ичидаги маълумотлар ўзбек китобхонлари учун Темурийлар даври ёзма меросини, умуман туркий халқлар тарихини ўрганишда фойдадан холи бўлмас деган умиддамиз. Форс тилидан ўзбек тилига килинган ушбу таржима Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сининг Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти хазинасида сакланадётган нодир нусхалардан бири (№ 4472) асосида амалга оширилди².

¹ Абдулғозий. Шажарайи турк. Нашрга тайёрловчилар К. Муниров, К. Маҳмудов, Т., 1992, 17-бет.

² Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. (фотофаксимил нашр). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи А. Ўринбоев. Т., 1972.

МУҚАДДИМА

Китоб аввалида (1 б — 15 б вараглар) Оллоҳ зоти ва Мұхаммад пайғамбарға ҳамду сано; Амир Темур, Шоҳруҳ ва Иброҳим Султон шаънига мақтөв; «Муқаддимә»ни ёзишдан мақсад; тарихни ўрганишнинг аҳамияти; оламнинг яратилиши ва тузилиши; пайғамбарлар ҳақида қисқа сўз; Одам-атонинг яратилиши ва ундан тарқалган авлод; Нуҳ пайғамбар тарихидан иборат лавҳалар берилган. Ундан сўнг матн қўйидагича давом этади.

(в. 15 б) «Оlam аҳлиниңг аксари Нуҳ наслиданурлар, унга ва уларниң ҳаммасига Оллоҳнинг раҳмати бўлсин. Ушбу сабабдан уни Одами соний¹ (ҳам) атайдилар. Унинг тўрт ўғли бўлган: Ёфас, Сом, Ҳом, Кањон ... (Сом, Ҳом ва Кањон ҳақида қисқа хабар берилган).

Ёфас ибн Нуҳ,— уларниң ҳар иккаласига (Оллоҳнинг) саломи бўлсин,— баъзилар айтадиларким, у (Оллоҳ томонидан) юборилган пайғамбардир. Унинг саккизта ўғли бўлган экан: биринчиси — Турк, иккинчиси — Хазар, учинчиси — Саклоб, тўртинчиси — Рус, бешинчиси — Матсак, олтинчиси — Чин, еттинчиси — Камори ва уни Каймол ҳам дейдилар, саккизинчиси — Ториҳ, Искандар Зулкарнайн² у (Нуҳ) нинг тўртинчи ўғли авлодларидан бўлган.

Туркистон мамлакатининг ҳар бир ўлкасини унинг фарзандларидан бирининг исми билан атаганлар. Нуҳдан — унга (Оллоҳнинг) саломи бўлсин,— сўнг бу жамоа бир қанча йиллар Бобил шаҳрида³ яшаган. Тунларниң бирида ҳар бир гурух бошқа-бошқа тилда сўзлашадиган бўлиб қолди ва бир-бирларининг тилларига тушунмас эдилар. Шундай қилиб, улар ноҳор бир-бирларидан ажралдилар ва тарқалиб кетдилар; ҳар бири бир жойга бориб ўрнашди, у ерда уларниң насли кўпайди ва ўша вилоят уларга мансуб бўлиб қолди...

Қискаси, Ёфасни туркларниң отаси (Абу-т-турк) атайдилар, Сомни — ажамниң отаси (Абу-л-ажам) ва Ҳомни эса хиндларниңг отаси (Абу-л-ҳинд) дейдилар.

Нуҳниң энг катта ўғли Ёфасдир ... (Ёфасниң шарқ томон юриб ўша ерларда ўрнашиб қолганлиги кайд этилган).

(в. 16 б) Сўнгра эл кенгаш курдилар ва Ёфас ўғли Туркни ўзларига бошлиқ қилиб сайдилар. Турклар уни Ёфас-ўғлон дер эдилар. У Ёфас фарзандларининг энг тўнғичи бўлиб жуда оқил, одобли ва ҳунарманд эди. (Ёфас-ўғлон) отасининг юртини бошдан дёқ кезиб бир яхши жой топди, уни Салангой⁴ атайдилар, у ёрда суви илиқ бир кичик дарё бор, тоғ ва чучук сувли булоқ кўп. (Ёфас-ўғлон) ўша жойда яшай бошлади ва улуғ тангрига шукrona қилди. Ўтов қуриш унинг ихтиrolаридан, турклар орасида мавжуд лакаблар унинг томонидан (берилган). У одил ва камолотли подшоҳ эди, элга кўп саховат қиласарди ... (Унинг фарзандлари ҳақида ёзилган).

(в. 17 а) Накл қивлурларким Ёфас-ўғлон Каюмарс билан ҳамаср экан. У турк подшоҳларининг, Каюмарс эса ажам подшоҳларининг аввалгиси бўлган...

Келтирган парчадан мълум бўладики, туркий халқлар деганда тарихан анчагина кенг тушунчани тасаввур этмоқ

жозим. Али Яздий ҳам бу катта мақзунинг факат ўз мақсади, яни Амир Темурга дахлдор қисми ҳақида ёзди. У дастлаб, бир қанча туркий подшоҳлар (Алмажхаон, Дебодкўйхон, Кўкхон, Алинжахон) тўғрисида қисқа мъалумот беради. Алинжахон подшоҳлиги ҳақида кўйидагилар ёзилган.

(в. 17 б) У (Алинжахон) эгизак ўғиљи бўлди ва уларнинг бирига Тотор, иккинчисига эса Мўғул деб от кўйди. Ҳар иккала ўғил улгайдилар ва вилоятларни бошқариш даражасига етдилар. Уларнинг отаси қариб-қартайганида мамлакатни ўғилларига тақсимлаб, ярмини Тоторга ва (иккинчи) ярмини Мўғулга берди. Ота вафотидан сўнг ўғиллар аҳилликда эл-юрт сўрадилар. Улар тотор ва мўғулдан иборат икки тармоқ эдилар.

Муаллиф тотор табакаси ҳақида қисқа мъалумот бериш билан чекданиб, асосий мавзуга, яни мўғул табакаси тавсифига ўтади:

МЎҒУЛ ТАБАҚАСИ ҲАҚИДА СЎЗ

«Мўғул тармоғи тўққиз киши эди; уларнинг дастлабкиси Мўғулхон ва сўнгтиси Элхон бўлган ва тўққизни ўшалар сонидан олганлар. Бу ҳақиқатга яқин, чунки мартабалар орасида сон жиҳатидан тўққиздан ортиқ, бирорта ҳам мартаба йўқ.

Мўғулхон подшоҳлиги. Мўғулхон мамлакатнинг ўзига қарашли қисмida хукмронлик қила бошлади, курдатли ва шавкатли эди; салтанатни шундай бошқардики, эл эътиқоди ва розилигини қозонди. (Ниҳоят) бу фоний оламдан кўз юмди. Унинг тўрт ўғли бор эди: Корахон, Озархон, Гурхон ва Ўзхон.

Корахон подшоҳлиги. Корахон Мўғулхон фарзандларининг энг каттаси эди, отаси ўрнига (тахтга) ўтириди ва эл сўраш билан машгул бўлди. У Коракурумда икки төғ бағрида, уларни Уртоғ ва Куртоғ (в. 18 а) атайдилар, яйлов ва қишлоғ тарзида яшарди.

Н а з м :

Коракурум ёнида тўп бўлдилар,
Икки төғнинг орасига кўндилар.
Уртоғ ва Куртоғ⁵ ҳар иккисин номи,
Улар яйлов-қишлоғининг мақоми.

Мўғуллар Корахон замонида куфр ва ширк (йўлида) шундай маҳкам эдиларки, масалан, агар фарзанд куфрда мустаҳкам, катлик турмаса, ота уни жазолайди, то шу даражадаки, (ҳатто) катлга етказиши ҳам мумкин эди ва (бунда) отанинг фарзандга бўлган меҳру шафқати ҳам эътиборга олинмасди. Корахон подшоҳлик қилиб эл сўраётган даврида, унинг катта хотини бир ўғил туғди, жуда чиройли ва мақбул. У уч кеча-кундузгача онасини эммади, она эса ҳар тун боласини тушида кўрарди, ва (боласи) унга шундай дерди: «Эй она, то мусулмон бўлмагунингтacha ва тангрига сигинмагунингтacha⁶ сени эммайман». (Шоҳ) хотини бу тушдан вахима ва кўркувда эди. Ўнгидаги мусулмон бўлишдан кўркарди, яширинча имон келтирди ва боласини эмизди.

Бола бир ёшга тўлапида жуда чиройли бўлган эди.

Н а з м :

Хуснига нигоҳин ташласа ҳар ким
Күёш ва ой мақтовидан қолар жим.
Худо меҳри қалбida бўлгани учун
Тўла-тўқис эди обу гили бутун.

Ўша замонда мўғулларда шундай удум бор эдики, то фарзанд бир ёшга тўлмагунича унга от қўймасдилар. Алқисса, Қораҳон хилватгоҳга кирганида она ёнида бешикда тўлин ойдек ўғилни кўрди. У шодликдан (элга) тўй берди. Ўша базмда амирлар ва (улус) улуғлари олдида хотинига шундай деди: «Ўглимиз бир яшар бўлди, унга қандай от қўянимиз?» Бир яшар бола бешикда тилга кирди ва аник сўзлаб деди: «Менинг отим Ўғуздир».

Н а з м :

Бир ёшдаги бола шунда бошлаб сўз,
Деди, номим бўлсин менинг Ўғуз.
Тутиб кулоқ эл бола сўзлашига,
Таажжуб қолдилар бундай ишига.
Дунёда бу ажиб айтинг ким кўрмиш,
Ки бир ёшли фарзанд сўзлаб, эшитмиш.

Сўнгра унинг исмини ўшандай аташга карор қилдилар. (Ўғуз), балофат ёшига етганида Қораҳон ўз укаси Гурхоннинг қизини унга олиб берди. У жуда сохибжамол, латофатли, тўлин қиз эди, бирок ислом динида бўлмаганинг сабабли, Ўғузхон уни хуш кўрмасди, ундан бўлак ётарди ва илтифот килмасди. Отаси кўрсаки, Ўғузхоннинг қизга майли йўқ, (ўғлини) ўта азиз тутиб суйганилигидан, (унга) кейинги биродари Озархоннинг қизини олиб берди. У (қиз) ҳам ислом динида бўлмаганинг сабабли, Ўғузхон (уни) улфат тутмади. Шунинг учун ота доим хафа ва ғамгин эди, (энди Ўғузхоннинг) учинчи (в. 18 б) амакиси — Ўзхоннинг қизини сўрашни ўйларди. Буни қарангки, бир куни Ўғузхон овдан қайтаётib йўли Ўзхон уйи томонга тушиб қолди.

Н а з м :

Қизни кўрди ариқ бўйида ул он,
Кир юувучи улус ичра хиромон.

Ўғузхон нигоҳи унга тушиб, деди: «Агар менинг сўзимни эшитсанг ва ислом динига (киришга) ваъда берсанг, мен сени хоҳлагум ва жондан ҳам яхши қўргумдир».

Назм:

Тинглаб йигитдан хуш хабарни қиз
Онт ичиб, шивирлаб очди оғиз:
Сенинг гар бўлсан айтганинг қилгум,
Сўзинг, фармонингни кулоққа илгум.

Ўғузхон унинг сўзларини эшитгандан сўнг кўнглидагини отасига айтди ва ота ул қизни ўғлига олиб берди. Ики ўртада буюк муҳаббат юзага келди, (йигит) доим у билан бўларди, бошқаларга илтифот кўргазмас эди; бошқа (хотин)лари рашк қилдилар. Бир қуни Ўғузхон овга кетганида, Корахон базм тузиб ўелининг хотинларини ҳам чорлади ва улардан ҳол-аҳвол сўради. Хотинлар, дастлаб, Ўғузхон ва унинг мусулмон бўлгани ҳақида сўнгра, уларни ҳам мусулмон қилмоққа ундағанлиги, бироқ улар кўнмаганликлари, учинчи хотин эса мусулмон бўлганлиги учун уни яхши кўришини бирма-бир айтиб бердилар.

Н а з м :

Кирмагунча бизлар унинг динига,
Учрадик адовару кинига.
Учинчини суйиши шундандур,
Унга ҳамроз, ҳамроҳ ва ҳамдиндур.

Корахон бу сўзларни эшитиб титроққа тушди, қариндошларига ва (ўша ерда) ҳозир бўлганларга ўғлини жазога маҳкум, деб эълон қилди.

Б а й т :

Бизнинг дин-удумдан бош тортди, демак
Килич бирла бошини узмоқ керак.-

У буюрди, қўшин ва жангчилар тўпландилар, ўғлини ўлдирмак учун овлоқ томон йўл олди. Мусулмон хотин бу ҳолни англаб, (зудлик билан) эрини хабардор қилди. Ўғузхон (бўлиб ўтган воқеадан) огоҳ бўлгандан сўнг, жангга ҳозирлик кўрабошлади.

Н а з м :

Овлоқда тўқнашдилар икки қўшин,
Ўғуз аниқ билди жанг қилишин.
Сипоҳлар от сурар бир-бирига ёв,
Гёёки темирдан қуилар олов.

Корахон (жангда) катта талафот қўрди, қўшинлари қочмоққа юз тутди. (Улус) улуғлари, саркардалари Ўғузхон кошига келиб бош эгиб мусулмон бўлдилар, Ўғузхонга (садик бўлмоқликка) қасамёд қилдилар ва подшоҳлик унга муқаррар бўлди.

ЎҒУЗХОН ПОДШОҲЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Ўғузхон шон-шавкатли ва олийҳиммат подшоҳ эди. У бутун сипоҳ, сарой аҳлини ва ўз тарафдорларини ислом динига киритди. Етмиш уч йил давомида амаки ва тогалари ҳамда уларнинг тобелари билан жанг қилди. Ниҳоят (в. 19 а) уларни эл-юртдан қувғин қилди, ҳаммасини тарқатиб юборди. Улар ул ерлардан машриқ томонга кочдилар, Чин ўлкасига кетдилар ва тотор подшосига паноҳ излаб бордилар. Тотор подшоси уларни қўллаб-куватлади ва (биргаликда) Ўғуз устига қўшин

тортдилар, (бирок) Ўгузхон (шон-шавкатидан) уларнинг кўнглига вахима ва ёркuv тушди ва қочиб кетдилар. Ўгузхон улар ортидан кувлаб то Чин ўлкасигача борди ва у иқлумни ҳам эгаллади. Натижада тотор ва мўғул эл улуси Ўгузхонга эл бўлдилар, у эса барчасига ҳоким бўлди. Талош шаҳри⁸ ва Сайромдан то Бухоро чегарасигача (бўлган ерларни) ўз қўл остига олди, у (евлаги) барча кофирларни исломга кириди.

(Ўгузхон) ҳар бир шаҳар ва ноҳияга биттадан амир ва ҳоким тайинлаб юборди. (Ўзига) олтин ва жавоҳир (билан безатилган) бир ўтов тиклади; хисравона базм, шоҳона тўй берди, (унда) жами амирлару улуғларни сийлади ва қадрлади.

Б айт :

Қўшинга улашди олтин, тўн, жом
Бекарор дилларга бериб ором.

Ислом дини ва туркий халқлар туриш-турмуши ривожига сабабчи бир қанча қонунлар яратди; Жамшид ажам подшоҳлари орасида (кандай бўлса), Ўгузхон ҳам (турк) подшоҳлари орасида шундай эди.

ЎГУЗХОННИНГ ТУРК ҚАВМЛАРИГА ЛАҶАБ БЕРИШИ

Ўгузхон турк элатларига лақаблар қўйди ва (улар) ҳозиргача ўша лақаблар билан аталадилар. Чунончи: уйгур, қонғли, қипчоқ, қорлик, ҳалаж ва ҳ. к.

Уйғур (сўзининг) маъноси қўшилмоқ, бир-бири билан аҳдлашмоқ-дир. Ул тоифа жангда Ўгузхонга ёрдам берганлиги учун (Ўгузхон) уларни уйғур деб атади.

Қонғли. Ўз вақтида Ўгузхон жангда жуда кўп ўлжа кўлга киритган эди, бироқ уларни олиб кетишга кучлари етмади. Жангчиларнинг ишни кўзини биладиган бир тўпи арава ясад у ўлжани осонлик билан ташиди. Улар ўз фахм-фаросатлари билан арава ясаганиклари учун (Ўгузхон) уларга қонғли деб лақаб қўйди, (чунки) мўттуллар аравани қонғли дейди.

Кипчоқ. Ўгузхон жангларнинг бирида, (аникроги) ит-бароқ (уруғи билан бўлган) жангда енгилди ва қочиб икки дарё оралиғидаги оролга бориб тушди. Қўшини орасида бир ҳомиладор аёл ҳам бўлиб, унинг эрини жангда ўлдирган эдилар. Аёлда тўлғоқ бошланди, (ночор ўша ердаги) танаси кавак бўлиб қолган бир дараҳт ичига кириб кўзи ёриди. Ўгузхон бу воқеани эшитганда, аёлнинг аҳволига раҳми келди. Боланинг отасини биз сабаб бўлиб ўлдирдилар ва у етим қолди, деб уни (ўзига) фарзанд (в. 19 б) қилиб олди ҳамда болага Қипчоқ деб исм берди. Қипчоқ сўзи асли қабуқ (сўзидан) келиб чиқсан, яъни танаси говак дараҳт, демакдир.

Б айт :

Энди қипчоқ қавмини бошдин оёқ,
Ўша бир ўғулдан оулурлар саноқ.

Ўгузхон ўн етти йил ўтгандан сўнг ит-бароқ қавми устидан ғалаба

қозонди ва Эронни эгаллади. Бир қанча вақтдан кейин Ўгузхон Туронга қайти ва (бу ерда) душманлар яна бош күттарғанлигидан хабар топди. У ўзига ўғил қилиб олган Қипчокқа күл остидагилари билан отланиб Момок атрофида чегарани қўриклишни буюрди. Қипчоқ фармонга мувофик жўнади, у ерга бориб ўрнашди ва ўша ерда қолиб кетди.

Корлик, Ўгузхон (отининг жиловини) Гур ерларидан⁹ Турон ўлкаси томон бурди. Қиши жуда совук эди, дашту чўлни бутунлай қор қоплаган, буюрдиким ҳеч ким қўшиндан ортда қолмасин. Қалин қор ва каттиқ совук бўлгани сабабли жангчилардан баъзилари ортда қолди. Ўгузхонга бу ҳол маълум бўлгач, (уларни олдига) чорлади ва сўроқдан сўнг ортда қолганларни қорлиқ деб атади.

Б айт:

Кимки қорликлардан бўлса асли,
Ўшалар унинг туғилган насли.

Халаж. Ўгузхон мамлакатларни забт этишга черик тортган чогида ҳеч ким қўшиндан ортда қолмасин, деб буюрди. Бир кишининг хотини фарзанд кўрди, аммо дармонизлиқдан (унинг) сути йўқ эди. (У киши) чўлда тустовуқ тутиб олган чиябўрини кўриб қолди, унга бир ёғочни олиб улоқтириб тустовуқни тортиб олди ва хотинига кабоб қилиб берди. Аёл уни егандан сўнг (кўкрагида) сут пайдо бўлди ва боласини эмизди.

Н а з м :

øy ишдан у киши бир оз тин олди,
Бироқ Ўгузхон уни билиб қолди.
Деди ранжиб, бирор турса хотини,
Нега четта торгади отини.
Ул кишини подшоҳ ҳалаж атади.
Маъноси: «Хотин қўриқчиси», эди,

Ўгузхон бутун улусга юрту чорва ва яйлов ҳам қишлоғ (учун) жой ажратиб берди.

Н а з м :

Сен буларнинг борини турклардан бил
Шу йўсинда номлари бўлмиш ҳар хил...

(Ўгузхон ўз юрти Куртоққа қайтиб элга тўй берганлиги ҳикоя килинган)

(в. 20 а) Ўгузхоннинг олтига ўғли бор эди. Учта катта ўғил ва учта кичик ўғил. Учта каттаси — Кунхон, Ойхон, Юлдузхон; учта кичиги — Кўкхон, Тоқхон, Тангриҳон.

Н а з м :

Ўғуз ушбу тўйда еру мол берди,
Ҳар олти ўғилга суюргол берди ...

ЎҒУЗХОННИНГ ЎЗ ФАРЗАНДЛАРИГА (МАНСАБ) ТАЙИНЛАГАНИ ҲАҚИДА

Ўғузхоннинг ўғиллари бир куни тўпланиб овга чиқдилар. (Улар) овда битта ёй, учта тилла ўқ топиб олдилар ва Ўғузхонга келтириб бердилар. (Подшоҳ) уччала катта ўғилларига ёйни ва кичик ўғилларига эса учта ўқни (бўлиб) берди. Катта ўғиллар ёйни уч қисмга бўлдилар. Шу сабабдан уларни бузуқ, кичик (ўғилларини эса) уч ўқ атадилар. (Шу билан бирга), бузукларнинг ҳукми уч ўқларнига караганда юкоририк бўлсин, деб қарор қилдилар, чунки ўқ элчиликни ва ёй подшоҳликни англатади.

Б айт:

Ўқ элчи-ю ёй шоҳга юрар,
Элчи подшоҳдан куйида турар.

Ўнг кўл (томон)ни, қайсиким араблар майдана ва туркийда уни буонғор дерлар, бузукка берди. Сўл кўл (томон)ни, қайсиким араблар майсара ва туркийда жувонғор дерлар, уч ўққа биритирди, токи, ҳар бир киши ўз йўл-йўригини англаб олсин. Яна ўша маъжлисда шоҳ, унинг вафотидан сўнг салтанат тахти-ю хонлик бузук қавмига бўлсин, деб васият қилди ва кўп ўтмай (жони) тангри даргоҳидан ўрин олди.

Ўғузхондан сўнг, унинг авлодлари — Кунхон, Ойхон, Юлдузхон, Минглихон, Тангрихон, Элхон, Юлдуз подшоҳлик тахтида ҳукм сурганиклари ҳикоя қилинади ва Бўзунжарлар давлати ҳакида бир мунча кенгроқ тўхтаб ўтилган:

(в. 22 а) БЎЗУНЖАРЛАР ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА УЛАРНИНГ АҲВОЛИ

Бўзунжар Алонқувонинг ўғли, Алонқуво эса Юлдузниң қизи — Жўбинадан (туғилган) эди, киёт уруғидан; ҳусну жамол ва иффату камолда тенгсиз бир малика эди.

Н а з м :

Барлос уругидан насаби ўзи,
Сочлари тугилган, ой мисол юзи.
Чиройда тенги йўқ, кўрганда киши,
Ҳайрат бармоғига қадалар тиши.
Лаблар сўз очганда жон ато қилур,
Юзлар тинклиги рух пайдо қилур.
Икки тарам сочдан таралар анбар,
Кўзлари сузилган коғирдан асар.
Ҳалқадек буралган икки зулфи бор,
Икки кўзи жоду уйкуга хумор.
Гули сунбулдан олмиш тароват,
Сунбули гулдан топмишдур зийнат.
Юзини кўрган киши дер, бу ой,

Тангри санъати очмишdir чирой.
Бўйи олдида сарв ҳам лол эрур,
Ўтираолмас, тик беҳол эрур.

Уни амакисининг ўғли Дивун-Боёнга турмушга чиқардилар, у мўгулъларнинг ҳокими ва хони эди. Ул (хотин)дан икки ўғил туғилди: бири — Илгиди, иккинчиси — Илчигди. (Алонқуво) эри вафотидан сўнг ҳокимиятни бошқариш ва фарзандларини парвариш қилиш билан машғул бўлди. Ўшандай ҳолатда тангри иродаси билан шундай бўлдики, бир куни ул (хуснда) тенгиз малика тўшақда дам олиб мудраб ётганда ногоҳ ул корону уйга ёруғлик тушганини кўриб қолади. Ёруғ нур унинг оғзиға кириб кетди ва у ўзида ҳомиладорлик ҳолатини (в. 22 б) сезди. Чунки Марям Имрон қизи¹⁰ Жаброиллининг дами билан, ҳеч қандай отасиз¹¹ ҳомиладор бўлган. Ҳар иккаласи ҳам тангри кудратидан ва гаройиб (воеа) эмас.

Б айт:

Гар Марям қиссасини эшитган бўлсанг,¹²
Алонқувода ҳам шундай бўлган дерсан.

Аммо эл ва унинг қўл остидагилар бу ҳолатга ишонмадилар, уни инкор қилиб маломат тоши ота бошладилар. (Шунда) Алонқуво элнинг улуғлари ва оқсоқолларини хузурига чорлаб деди: «Улуғ тангри менга гувоҳ ва поклигимдан огоҳ эрур. Агар сизларда бирор гумонлик бўлса, менинг ўтовимга келинглар ва бу сир равшан бўлғай. Улар бир неча кун бу ҳолатни кузатдилар ва аниқладиларки, ўтов туйнуғидан бир нур кириб чиқиб турарди. Шундан сўнг улар кўнглида туғилган шак-шубҳа тарқади ва тилларини маломат қилишдан тийдилар.

У (Алонқуво) кўзи ёриб уч ўғил кўрди, (Улардан) бирига Йўқи-Қатиган исм қўиди ва қатиган уруғи унинг наслидандир; иккинчисини Бу-Қожи-Солжи (атади) ва солжи ўт унинг наслидандир; учинчисига Бўзунжар (ном берди), қайсиким энг кенжаси эди ва бутун турк сultonлари ундан келиб чиқкан. Жами мўгул хонлари (ҳам) унинг наслидан. Бу уччала ўғилнинг наслини, уларнинг пайдо бўлишига нур сабаб бўлганлиги учун, ни йрун дейдилар. Дивун-Боёндан бўлган ул икки ўғилнинг наслини дуралгин дерлар ва улар наасабда нирундан пастроқ турдилар. Бўзунжарнинг дунёга келиши Абу Муслим Марвазийнинг¹³ хуружи вақтида бўлган.

БЎЗУНЖАР-ҶООННИНГ ПОДШОҲЛИГИ

Бўзунжархон, қайсиким, Чингизхоннинг тўққизинчи бобосидир, ва ҳазрат Соҳибқирон (Амир Темур)нинг ўн тўртинчи бобосидир, (тез орада) оқ-корани ажратадиган бўлди ва раби ал-аввалнинг бошида¹⁴ салтанат таҳтида балқиди, ул мамлакатни бутунлай эгаллади. Узок муддат эл-улус сўраб келган тотор ва бошқа уруғлар амирлари унинг хизматига бел боғлаб турдилар, бўйсуниб итоат қилажакларини айтдилар ва уни қоғон деб тан олдилар.

Мўгуллар унвонга кўп ҳам эътибор беравермайдилар, муболага ва тақалуф қилмайдилар. Кимки хонлик таҳтига ўтиrsa, унинг (номига) хон ёки қоон деган сўзлардан бирини кўшадилар. Мўгул кўшини оз-кўпга кўнувчи ва қийинчиликларда сабрлидур.

Бўзунжардан сўнг Буқохон, Дутумманихон, Қайдухон ва Бойсунгурхон ҳақида лўнда ҳикоя қилинган. Кейнинг подшоҳ Туманахон Бойсунгурхон ўғли ҳақида сўз кетганда бир қизиқ ривоят ҳам берилган:

(в. 24 а) ТУМАНАХОН ПОДШОҲЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Туманахон отасининг тожу таҳтини эгаллади. Подшоҳлик қилиш қонун-қоидаларини янгилади, хонлик шон-шавкати-ю, овозаси узок ўлкаларгача тарқалди.

Назм:

Подшоҳлик даврини сурди баҳтиёр,
Ота чирогини ёқди у тақрор.
Касб этиб аждодлар удумини,
Кайвонга¹⁵ кўтарди ота номини.

Ўша атрофдаги бир неча мамлакат (унга бўйсуниб) подшоҳлик мероси ортди. Ул замонда Туркистон мамлакатида Туманахондан шавкатлироқ подшоҳ бўлмаган. Унинг икки хотини бор эди; биридан етти ўғил, иккинчисидан эса икки — эгизак ўғил кўрди. Эгизаклар мардлик ва баркамолликда ҳамма оға-иниларидан зиёда эдилар; (в. 24 б) бирини Қабул, иккинчисини Қочули аташарди. Қабул Чингизхоннинг учинчи бобоси ва Қочули эса ҳазрат Соҳибқирон (Темур) нинг саккизинчи бобоси бўлган.

ҚОЧУЛИНИНГ ТУШ КЎРИШИ ВА ТУМАНАХОН УНИ ТАЪБИР ҚИЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Тунлардан бирида Қочули (шундай) туш кўрди. Қабулхоннинг кўйнидан бир юлдуз учиб чиқди, (бир оз) чақнаб тургач, сўнди. Сўнгра яна бир юлдуз чиқди ва сўнди. Учинчи марта бир юлдуз (учиб) чиқди ва ботди. Тўртинчи марта унинг кўйнидан бир порлаб турган юлдуз чиқди ва у бутун оламни ёритиб турарди. Порлок юлдуздан бир неча юлдузлар ажralиб чиқди ва улардан ҳар бири бир ўлкага ёруғлик ва нур таратиб турарди. Ул ёруғ юлдуз кўринмай кетгандан кейин ҳам теварак-атроф бир текис ёруғлигича қолаверди. Уйқудан уйғониб кўрса, хали кечанинг учдан бири бор экан. Тушининг таъбири устида бир лаҳза ўйланиб колди ва шу хаёл билан яна уйқуга чўмди. У яна туш кўра бошлади. (Энди) ўзининг кўйнидан (бир) юлдуз учиб чиқди ва сўнди; бошқаси чиқди, сўнди; учинчи марта ҳам бир юлдуз чиқди ва сўнди; етти марта шундай бўлди. Саккизинчи маротаба эса бир катта юлдуз балқиди, у бутун шоҳлик ва дунёга нур-зиё-таратиб турарди. Ундан бир неча кичик юлдузлар ажralиб чиқди, ҳар қайсиси бир ўлкани ёритди. Ул улкан

юлдуз магриб нуқтасигача етиб сўнгач, ундан ажралиб чиқсан (юлдузлар) порланишда давом этдилар.

Қочули ул туш ғулғуласи билан уйғониб кетди, қараса айни тонг чоги экан. Ўшал кун отасини танҳо топиб ўзи кўрган аввалги ва кейинги тушларни унга баён қилди. Туманахон ул тушдан хурсанд бўлди ва тўнгич ўғли Қабулхонни олдига чорлаб, ундан (Қочулидан) тушни яна бир бор сўради, у тушни отаси ва акасига айтиб берди.

Давлат арбоблари илҳомли бўладилар,— деган ҳукмга мувофиқ, Туманахон ҳар иккала тушни ҳам таъбири қилди ва деди: «Биринчи тушнинг таъбири шулдирким, Қабул (авлоди) дан бирин-кетин уч шаҳзода хонлик таҳтида ҳукм сургайлар. Бироқ, уларнинг ортидан, (яъни) тўртингчисида бир подшоҳ дунёга келади ва у оламдаги мамлакатларни эгаллайди.¹⁶ Ундан фарзандлар бўлади ва у узок-яқин (ерларни) уларга бўлиб беради, ҳар бирини бир мамлакатга хон қилиб тайинлайди. У дунёдан кўз юмғандан сўнг, салтанати маълум муддат фарзандлари кўлида бўлиб туради.

Иккинчи тушнинг таъбири шундайки, сенинг¹⁷ наслингдан етти авлод бирин-кетин дунёга келиб, улар (в. 25 а) подшоҳга воситачилик қилиб ўтадилар. Аммо, саккизинчмарта, яъни ул буюк юлдуз балқиган ҳолат (таъбири шулки), бир киши сенинг наслингдан жаҳонгирлик қилгай¹⁸ ва кўп мамлакатларга подшоҳ бўлгай. Ундан кўп фарзандлар дунёга келиб, уларнинг ҳар қайсиси ундан кейин мамлакат вориси ва ҳукмдори бўлиб, ҳар бири бир иқлимининг шоҳи бўлади...

Улар (Қабул ва Қочули) ота олдида: «хонлик таҳти Қабулхонга бўлсин, шамшир ва ҳукм юритиш эса Қочулига берилсин»,— деб бир-бирларига сўз бердилар. Биз фарзандларимизга ҳам васият қиласиз, (улар) ҳам авлоддан-авлодга ушбу қондага амал қилсинлар»,— дедилар. Шу ҳақдаги қарорни уйғур ёзувида битиб қўйдилар, ҳар икквлари унга имзо чекдилар; ота ҳам унга ўзининг ол тамғасини босди ва уни хон хазиначисига топширдилар. Туманахоннинг умри тугагач, Қабулхон хонлик таҳтига ўтирид. Қочули эса у билан яқдиллик ва мувофиқат мақомини тутди...

Шундан сўнг, подшоҳлик таҳти нафбат билан Қобиляхон ва Буртон-баҳодирга тегишли этилади:

(в. 26 а) Қабулхоннинг (кейинги) ўғли Буртон-баҳодир юрт аёнлари маслаҳати билан акаси ўрнига таҳтга ўтириди ва отаси Қабулхон қонунларини қайта тиклади. У давлатли бир хон ва саловатли подшоҳ эди. Ўша кезларда мардлик ва акл-идроқда унга тенг келадигани топилмасди. Шу сабабдан, унинг «х о в л и к» лақабини «б а ҳ о д и р л и к» билан алмаштиридилар.

(Буртон-баҳодир) подшоҳлик таҳтига ўлтирганида амакиси Қочули вафот қилган эди. Унинг ўғли Эрдамчига отасининг вазифасини инъом эти ва саркардалик Эрдамчига бириткирилди ҳамда унга «б а р л о с л и к» лақаби берилди. Уни Эрдамчи-барлос дея бошладилар...

Буртон-баҳодирдан сўнг, ўғли Ясуко-баҳодир таҳта ўтириди. Унинг ўғли Чингизхоннинг ўзиги бўлалараро жанг-жадалларда бирин-кетин иштаборларни ўзгаёт ўзга ўлкаларни ҳам забт этишга киришди. Натижада Евросиё

материгида улкан терриорияни эгаллаган Мўғуллар империяси таркиб топди ва уни Чингизхон тўрттала ўғлига бўлиб берган эди. Ўрта Осиё Шарқий Туркистон билан биргаликда Чигатойга тегишли этилди ва тарихда Чигатой улуси номи билан машхур бўлиб қолди. Амир Темурнинг ота-боболари ҳам, асосан, ана шу улусда яшаганлар. «Муқаддима»да бу ҳақда ҳимматли маълумотлар келтирилган.

(в. 24 б) ЧИНГИЗХОН НАСЛИДАН ТУРОН МАМЛАКАТЛАРИДА ҲУКМРОНЛИК ҚИЛГАН ХОНЛАР ҲАҚИДА СЎЗ

Чигатой улусида хонлик тахтига ўтирган Чингизхон авлодларидан бўлмиш подшоҳлар ўттиз иккита бўлганлар.

Байт:

Чингизхоннинг кўп эди бола-чақаси,
Ота икки кўзининг нури дийдаси.

У шону шавкатли, олий ҳимматли, оламдай улуғвор, Баҳромдай¹⁹ савлатдор подшоҳ эди.

Назм:

✓ Фалакдай буюк ва қўёшдай кудратли,
Жаҳондору, бағри кенг ва саодатли.
Саховати бекиёсдур базм ҷоғида,
Йиртқич шер ҳам ундан қочар жанг ҷоғида.

Чингизхон (ўз подшоҳлиги ерларидан) Туронзамин мамлакатини (ғарбда) Турон билан Эрон ўртасида (чегара) Жайхунгача, суюкли фарзанди (Чигатой)га атади; ҳамда уни, унга ажратиб берилган мамлакат ва сипоҳ билан биргаликда, ўз амакивачаси Қарачор-нўёнга топшириди ва (бош-қош бўлиб туришни) кўп тайинлади. Чунки Чингизхонга шу нарса маълум эдики, ҳар ишда ҳомийлик бу буюк (нўён) нинг кўллаб-куватлашиб билангина кучли бўла олади.

Байт:

Ул донгдор кўмагила кучлидир шоҳ,
Ҳам ишбилармон эди, ҳам хайриҳоҳ.

Чигатойхон, ота васиятига мувофик, унинг (Қарачор-нўён) кенгашисиз ва розилигисиз ҳеч бир ишга кўл урмас ва мурод кавкаби ул улуғ ҳукмрон ихтиёридаги уфқдан бошқа жойда чакнамас эди.

Назм:

Ҳар бир ишда ундан сўрарди кўмак,
Ҳоҳ сулҳ тузиш бўлсин, ҳоҳ урушмак.

Шунинг учун ишбилармон ва келажакни кўра билувчи (киши)нинг яхши тайёрлаши ва тарбияси натижасида, Чигатойхон фаҳму фаросатининг баркамоллиги, илм эгаси эканлиги, ўта довюраклиги ва

мардлиги билан ўз замонининг ягонаси ва турли диёр султонлари дурданаси бўлди.

Б айт:

(Кимники) устози Фаридун²⁰ бўлар экан бас
Ул серхунар (устоздан) бехунар шогирд чиқмас.

Чигатойхон салтанат тахтининг қароргохи Бешбалиғ²¹ эди;
«балиғ» деб шаҳарни айтадилар.

Н а з м :

Ому соҳилидан²² то Ноймон²³,
Унга берган эди Чингизхон.
Бешбалиғда эди тахтгоҳӣ,
Хазинасию ҳам сипоҳи.

Яргу ва ёсоқ удумларига амал қилишни жуда қаттиқ талаб қиласди, унинг ҳар бир нозик томонларига ҳаддан зиёда амал қилмоқ лозим, деб билар ва бирор бандини тушириб қолдирмас эди. То шу даражагачаки, баҳор ва ёз фаслларида бирор кимса (оқар) сувга тушмасин, кӯлини ариқда ювмасин ва ариқдан олтин ва кумуш идишларда сув олмасин, кийим ювиги саҳрого ёймасин, деб буюрган эди. Уларнинг фикрича бу иш момақалдирок ва чақмоқнинг кўпайишига олиб келармиш. Кўпинча, уларнинг элу юртларида аввал баҳордан то ёз охиригача ёмғир ёғади, момақалдирок гулдураши то шу даржадаки, унинг овози шиддатидан бармокларини қулоқларига (тиқиб), унинг гумбурлашидан ўлим (даҳшатига) тушадилар²⁴, — ва яшин кетма-кетлиги то шу даражадаки,— у чақнаганида кўзларини кўр килгудек бўлади²⁵.

Жазолаш ва улуғлаш қонун-қоидаларига ўнчалик қаттиқ амал қиласи эдики, сон-саноқсиз лашкарининг яқин-атрофидан (ўтадиган) хеч бир йўловчи учун қўриқчи ва посбонга эҳтиёж тугилмасди. Амир Караборчининг яхши (иш)лари ва тадибири натижаси ўлароқ (в. 75 б), ўқтойхон билан шундай мактоб ва илтифотга сазовор тарзда борди-келди қиласи 'эдики, оға-инилик ва арз-дод сўраш /муносабатларида маслаҳат билан ва ҳамкорликда иш тутардилар. Ака-укалар кўп вақт бирга бўлар, роҳат ва фароғатда ўмр кечирап ва кувонч созининг торларини чертардилар.

Б айт:

Кел, давлат биз учун эшик очмиш соз,
Хуш келмиш бу давлат, чиқайлик пешвоз.

(Эл арзу додини) ақлу идрок билан эшитардилар. Уларнинг ҳам-жихатлигидан давлат ишию, мамлакат бошқаруви изга ва тартибга тушди, хонлик расмию ва жаҳондорлик қоидалари давомлилиги ва мустаҳкамлиги таъминланди.

Б айт:

Яхшиланди ул ғамхўрлик сабаби,
Қонун-қоидалар, хонлик тартиби.

Чигатой хурсандчилик ва овга жуда ишқивоз ва аксар вақт шу билан банд эди. Амир Қарачор-нўён эса салтанатнинг муҳим ишларини олиб борар ва жаҳондорлик қиласарди, раият ва лашкар учун нимаики лозим бўлса, тўла-тўкис амалга оширади.

Б а й т :

Ул тадбиркор ҳоким адолатидан,
Раият бой эди, сипохий хурсанд...

(Бу ердаги матн Маҳмуд Таробий қўзғолони таъсифидан иборат)

(в. 77 а) Чигатойхоннинг умр муддати охирлагач ва мижози саломатлик ҳолатидан ва яшашдан юз ўтиргач, Қарачор-нўёни васий қилиб, болаларини унга топширди. (Ўзи эса), умид уйи дунё орзуистакларидан тўлиб, Укто-коёндан етти ой илгари, олти юз ўттиз саккизинчи йилнинг зу-л-қаъда ойида (1241 йил май — июнь ойлари), яъни ўд йили²⁶ бу фоний саройдан риҳлат этди.

Б а й т :

Ажал бирортага бокийлик бермас,
Ўлим султони ҳеч аяб ўтирmas.

Унинг вафотидан сўнг, эслатиб ўтилган нўён, аҳду паймонга мувофиқ, мамлакат ва салтанат ишларини бошқариш ва тартибга солиш бутун халқ — ҳам сипоҳу, ҳам раиятни зарур ва муҳим (нарсалар) билан етарлича таъминлашни шундай олиб борар эдики, ундан ортигини тасаввур қилиб бўлмас.

Б а й т :

Олампарварликдан дод сўради жабрсўз адолати,
Замонида ундан мамнун ҳам лашкарку, ҳам раияти.

Тинчлик ва омонлик байрогини ўлкалар узра ўрнатди, олам айвони ва эшикига яхшилик нақшини солди.

Қара-Хулогухон ибн Мутугэн ибн Чигатойхон. Чигатой вафотидан бир неча йил ўтгандан сўнг, Қарачор-нўён уни хон қилиб сайлади ва салтанат таҳтини унинг ўтириши билан безади.

Н а з м :

Хонлиқ таҳти янгидан бўлди баланд,
Ўшал зукко ва қадрли шоҳ билан.
Филга бас келувчи ўсердил жаҳондор,
Кафти булутидан дengiz шармисор

Ёсун-Мункэ Чигатой ўғли. Гуюхоннинг кўрсатмаси билан Қарачор-нўён Қара-Хулогухонни таҳтдан туширди ва уни (Ёсу-Мункэни) олти юз қирқ учинчи йил, яъни ит йили, шаъбон ойида (1245 йил декабрь — 1246 йил январь) таҳтга ўтказди.

Б а й т :

Токи ўрил бор экан қандай қилиб
Набира тахт эгаллар кулоҳ кийиб.

У вафот этгандан сўнг, номи эслатилган нўён, ўз тўғри раъйига мувофиқ, қайтадан Қара-Хулогуни хонлик тахтига кўтарди.

Б а й т :

Иқболи суви баҳт ариғига яна келди оқиб,
Подшоҳлик тахтига кўтарилиди яна баҳти боқиб.

Тарихнинг олти юз эллик иккинчи (1254) йили, яъни тавузиён йили²⁷ ул юртда Қарабор-нўён руҳи қуши (юрак) қафасини синдириди (в. 77 б) ва даҳшатта тўла бу омонат (дунё)дан кўч бойлади.

Н а з м :

Дариғо, ўтди ҳалқпарвар ҳукмдор,
Ўшал мағрур нўён Қарабор.
Яна йиллар ўтар, то чархи зафар,
Оlamга ул каби бир қўёш берар.

У саксон тўқиз йил умр кўрди.

Ариқ-Бўка ибн Тўлихоннинг қизи Арғана-хотун эри Қара-Хулогу-хоннинг вафотидан сўнг, ўғли Муборакшоҳ ҳали ёш эди. Унинг ўрнида салтанатни бошқаришни ўз бўйнига олди. У бағоят викорли ва ишбилармон; мусулмонларга тўла ён босарди, уларга эътибор бериш ва ҳимоят кўрсатишда бирор дақиқани ҳам зоеъ кетказмас эди.

Олқў ибн Пойдор ибн Чигратойхон. У хуш суратли, яхши феълатворли, чехраси шуъласига ой ва қуёш рашида, салтанати улуғворлиги Фаридун ва Жамшид удумидан нусха кўчирган бир сарвар эди.

Н а з м :

Бахтиёр подшоҳу чехрасидур қувноқ,
Олий тахту эрур ҳам музофар байроқ.
Бошига тожу, пойига тахт кўрк берар,
Қўлидан уммон, дилидан кон оҳ ураг.

Дастлабки пайтларда у билан Ариқ-Бўка Тўли ўғли ўргасида тўла тотувлик ва садоқат мавжуд эди. Уша кезларда Қорақурум тахтида Ариқ-Бўка ҳукмронлик қиласарди.

Н а з м :

Буюрди токи ул Олқў донгдор,
Чагод наслидан отаси Пойдор.
Катта бир сипоҳ билан шошилсин,
Мардона Турк иклимин бошқарсин.

Олқў Чигатой улусига келиши билан лашкар ҳар томондан ул сори юзланди ва кўп ўтмай, унинг қошида жуда кўп қўшин тўпланиб, тўла шавкат ва кудрат ҳосил бўлди. (Олқў) Эронзаминдан Катта ўрдуга²⁸ юбориб туриладиган бойликларни²⁹ ўзига олди. (Натижада) у билан Ариқ-Бўка ўртасида зиддият туғилиб, охири жангу-жадалгача бориб етди.

Дастлаб, Ариқ-Бўка унинг устига қўшин тортиб уруш қилганида Олқў енгилган эди. Ариқ-Бўка қайтиб кетгандан сўнг, Олқў (янгидан) сипох тўплашга киришди; амир Ийжил ибн Қарачор-нўён (ҳам) катта қўшин тўплаб унга қўшилди. Чигатой улуси йиғилишиб, Ариқ-Бўка устига от сурдилар. У ҳам (ўз навбатида) бутун қўшини билан Олқўга қарши жангга юзланди. Лашкар ҳар икки томондан етиб келгач (юзмай-юз) саф туздилар. Шу пайт Олқў ўз қўшини билан ҳужумга ўтди ва қўли баланд келди. Душманлар дош бера олмадилар ва Ариқ-Бўка ўз լашкари билан орқага чекиниб, қочмоққа юз тутди.

Ариқ-Бўкага вазир этиб тайинланган бухоролик соҳиб Ялавочнинг ўғли Масъудбек (в. 78 а) эса, Олқў хизматига шошилди ва унинг оёғини ўпиш шарафи билан сарафрозлик топиб, илтифотга сазовор бўлди.

•Олқў голиб ва баҳтиёр ўз улусига қайтиб келди ва олти юз эллик саккизинчи (1260) йилнинг охирларида, яъни қўй йили, Олмалиғеда²⁹ хонлик тахтига ўтириди. Ариқ-Бўканинг кизи Арганани, ўз никоҳига киритди. У тўрт йил давомида подшоҳлик қилиб давр сурди ва ундан икки ўғил — Дўбо ва Қуён қолди; (ўзи эса) омонат жонни арвоҳ чангалига тутқазди.

Б айт:

Ҳар бир юздаки жон шамъи ёнди,
Йўқлик ели эсган чоғи сўнди.

Муборакшоҳ ибн Қара-Хулогу — аклу идрок ёшига етганида, амир Ийжил ибн Қарачор-нўён барлоснинг ёрдами билан олти юз олтмиш иккинчи (1263—1264) йили, яъни ўд йили Олқўни ўртадан кўтариб, ўзи мустақил хон бўлди. У саховатли кам озор бир хон ва юмшоқ табиатли, сабр-матонатли бир сultonатди.

Н а з м :

Бундай хонни она туғмаган ҳали,
Ҳалиму кам озор ва саховатли.
Замонида фитна чиқармасди дам,
Бирор кимса кўнгли чекмасди ситам.

Унинг салтанати даврида Чигатой улуси Ийжил-нўённинг яхши иш олиб боруви ва олийжаноблиги туфайли жуда тинч ва ободон, эл эса унинг ҳимояси ва эътибори соясида тотув ва шодмон-эди.

Б айт:

Сипоҳлар осуда, раият юришар безарар,
Давлати кудратли, ғалаба байроби ҳилпиар.

Буроқхон ибн Йисун-қара ибн Комкор ибн Чигатойхон³⁰

Н а з м :

Имкон конидан айнан ул каби гавҳар,
Оlam хонлари ичра ул мисол сарвāр,
Келмагай ҳар доим ушбу даврон сари,
Адоват эшигига калит ханжари.

Олти юз олтмиш учинчи (1265) йил бошларида, яъни барс йили шаҳзодалар, амирлар ва (хонзода) хотинлар кенгаси билан хонлик унга (Буроқхонга) топширилди ва у подшоҳлик тахтига ўтириди. (Удумга мувоғиқ) Ийжил-нўён унга сёёк тутди, амирлар ва шаҳзодалар (унинг олдидা) тўққиз марта тиз чўқдилар. Унинг замонида амир Ийжил Озарбайжон томонга Тўқадар-ўғул қошига қетди.

Буроқхон хонлик тахтига ўрнашгандан сўнг, у билан Қайдухон ибн Фози-ўғил ибн Укто-қоон ўртасида душманлик пайдо бўлди. Кўп урушталашлардан сўнг, ҳар икки томон ярашишга келдилар ва (бунга) аҳду паймон туздилар, шул мазмундаким:

Н а з м :

Қайду кўмагила Буроқ кўшини,
Олгай Хурросону Ироқ мулкини.
Эронзамин, яхши тахтоҳ эрур,
Яйлоку қишлоқ учун сазовордур...

(Бу ерда Буроқхоннинг Хурросонга бориб жанг қилгани ҳақида ёзилган) (в. 79 а).

Олти юз олтмиш сakkизинчи (1270) йил охирларида, яъни кўй йили у Қайдухон қошига борди ва Қайдухон мақрининг соқийси қўлидаги шарбатдан бир қултум ютиб, оламдан ўтди: подшоҳлик муддати олти йил.

Р у б о и й

Бу тенги йўқ фалак гардишидаги жом,
Галма-гал тутарлар ҳаммага мудом (в. 79 б).
Келганда гал эътиroz қилиб бўлмас,
Базм соқийси — даврга, эттагч эҳтиром.

Ундан тўрт ўғил қолди: Бек-Темур, Дуво, Бурё, Хўлодо.

Бекшихон ибн Широмун³¹ — унинг шуҳрат чодири атрофидан фалак одоб билан айланарди ва салтанат кўшкни савлатидан офтоб ҳурмат билан ўтарди.

Н а з м :

Ахлоқи мақтovли подшоҳ эди,
Жаҳон ичра ягона шоҳ эди.
Ундейни тущда кўргандир олам,
Улуғвору кўнгли кенг ва хуррам.

Тўқатемурхон — Қадомийнинг ўели, Мутугэн ибн Чигатойхоннинг невараси. У ҳақиқатда хонлик мансабига арзигулик ва олий ҳиммати ободончилигу эл сўраш ишларига сарфланувчи подшоҳ эди.

Н а з м

Буюрмоқлик тахтида топгач қарор,
Ростлик йўл-йўриғин қилди ихтиёр.
Адолати бирла юрг бўлди кўркам,
Душманлар умридек қисқарди ситам.

Дуво-Чечанхон ибн Буроқхон. У баҳт-саодатли, улуғ савлатли бир ҳукмрон, мамлакат узра хон ҳамда баҳтиёрик тожига лойик ва сазовор эди.

Н а з м

Тожу тахт ҳомийси, оламдай улуғ,
Қатъиятли ҳукмдор, зафарли, кутлуг.
Шоҳлик айёмида яхши эл сўрди,
Адл-саҳоват ила юрг обод қилди.

Илангиз-нўён ибн амир Ийжил-Бийсун билан собиқ аҳдномани янгилади ва унга оталар удум-йўрикларини (олиб бориш) белгиланди. Ўттиз йил давомида ҳукмронликда ва баҳтиёрикда умр кечирди. Илангиз-нўён яхши тадбир билан Чигатой улусини ободонликда тутди, ҳар кимнинг у ёки бу истаги бўлса бажо келтирди.

Б а й т :

Кимки ул донгдордан сўрмасин тилак,
Бир лаҳза ичинда бажо бўлажак.

Ниҳоят, бир қанча замон умр кўриб, оламдан ўтди.

Кўнжакхон Дувоҳон ўғли. Бу шаҳриёр иқбол ниҳоли мавсумида баҳт ва хуррамлик баҳорини қанот ёздири, яқину узокдаги барчага орзу-умид шукронасини етказиб берди.

Н а з м

Хирадманд ҳукмдор қалби мусаффо,
Кўёшдай нур сочару тахти само.
Манглайнинг нуридан хижил офтоб,
Кафтин ёзгаңда булутда қолмас тоб.

У салтанат тахтига ўрнашгандан сўнг, кўрдики Қайдухон ибн Фози-ўгул ибн Укто-коон фарзандлари салтанат ишини олиб бориш ва мамлакатни бошқаришни эплай олмаяптилар. (Шу сабабдан), уларнинг эл ва улусига илтифот соясини солди ва ўз кўл остига олиб, Чигатой улусига киритди.

Б а й т :

Ҳиммат шунқориким қанотин солди,
Иқбол соясида баҳру бар³² қолди.

Талийқұхон Бўри ўғли. У ҳукмронлик нурлари улуғворлик тожидан порлаб турган подшоҳ ва давлатнинг ўлка уфқидан толе кулиб чакнаган офтоби эди.

Н а з м

Улуғлик осмони, буюк бир қүёш,
Ҳукмдору, эрур тожу таҳтга бош,

Қудрат айвонидан фалак кўринар,
Хонлик даргоҳида зафардир чокар.

Бир муддат хонлик таҳтида эл сўради, қудрати билан жабру ситам оғини боғлади ва зарурат (учун) карам қўлини ечди. Халойик жабр-ситам, адолатсизлик бандидан қутублиб, унинг адолати соясида паноҳ топарди ва оғзини дуоси учун очиб, белини хизмати сари боғлаган эди.

Б а й т :

Мақтовига эл оғиз чоғлади,
Хизматига эл белин боғлади.

Эсан-Буқо Дувоҳон ўғли. Унинг адолат чодири сояси адолатсизликнинг жазира мақтабида иссиғида қолганлар учун паноҳ ва давлати кўшикнинг остонаси ҳаёт заҳматини тортган ситамдидалар учун кўнимгоҳ бўлган бир подшоҳ эди.

Н а з м

Фалак ҳайбатидан тўғри юарди,
Улус давлатида даврон сурарди.
Фитна қўли эса калталик қилди,
Жабру ситам номи гўё йўқ бўлди.

Кебекхон Дувоҳон ўғли³³. У юриш-туриши мақтовга арзигулик, тўла ҳашаматли бир подшоҳ эди; салтанатдорлик шуҳрати, фахму фаросати ва улуғворлиги элга достон бўлди, адолати жаҳон узра шуҳрат топди. Чингизхон замонидан бери хароб бўлиб, қамишзорга айланиб ётган Балх шаҳрини қайта тиклади... (Бу ерда Кебекхоннинг адолатпарварлиги ҳакида бир ҳикоя келтирилган) (в. 80 б). Ҳаёт муддати тугагач, уни Қаршида³⁴ дафн этдилар ва қабри устига бир гумбаз барпо қилдилар.

Илчигдай Дувоҳон ўғли. У жаҳондорлик хильяти келишган қоматига мос, шавкатли, юрт улуғларини сийловчи ва душманларнинг додини берувчи бир хон эди.

Н а з м

Фалакдай улуғвор, довруғи қўёш,
Жаҳон банда унга, замон этмиш бош.
Аччиғи заҳардур, меҳри-чи — даво,
Чехраси офтобдур, кўлами — дунё.

Дуво Темурхон ўғли Ўкрохон. У жангу жадал учун мәрдлик арини бөгләди ва осмонўпар қўргонларни забт этди, ҳожатмандларнаг муҳтоҗлик эшигини ёпди.

Н а з м

Жаҳон тахтию, тож бахш этгувчи шоҳ,
Юртларни забт қилгувчи олампаноҳ.
Йўриғи ёғдусини хуршид хижил,
Қаҳри кўркув, лутфи умидга кучдир.

Тармасиринхон Дувохон ўғли³⁵. У қадр-кимматли хон, одилу саодатли ҳақиқий султон эди; давлати чехрасини ислом саодати ила гулгун қилди. Ўзи эса, Оллоҳ тавғиқ ато этиб, бул фоний саройда³⁶ доимий фароғатга эга бўлди. Унинг баҳтиёр кечган замонида Чигатой улуси нури ислом ила бойиди, бу дунёдаги мўл-кўлчилик охират тухфаси (тайёрлаш) учун имкон яратди; дини Муҳаммадийнинг³⁷ йўл-йўрикларини олиб борицда, миллати Аҳмадийнинг³⁸ бирлигини мустаҳкамлашда жиду жаҳд кўрсатарди. Унинг подшоҳлиги замонида худойи таоло бандалари тўла хотиржамликда эдилар. (Бу ерда Тармасиринхоннинг Ҳиндистонга қилган юриши ҳикоя қилинади). (в. 81 а) Бўрон ибн Дуво-Темурхон ибн Дувохон (Тармасиринхоннинг) жияни ислом зийнатидан маҳрум эди, етти юз йигирма саккизинчи (1327—1328) йили Жетедан лашкар тортиб келди ва Кеш яқинидаги Қўзи-мундок (мавзеси) да Тармасиринхонни (жангда) шаҳодат даражасига етказди. Уни Самарқанд яқинидаги бир қишлоқ (мозорига) дағн қилдилар.

Бўрон (ибн) Улжайту Султон Муҳаммад Худобандা. У Чигатой улуси подшоҳзодаларидан сўнг, фармондорликда эътиборли бўлмасада, ул улуснинг улуг амирлари — Дурчи Икжилдойхон ўғли, унинг отабегиси амир Жондуни ва бошқаларни қилич дамидан ўтказди.

Жингшухен Абуканўғил ўғли. У жаҳонпарвар бир подшоҳ эди. Золимлардан маҳрумлар ва муҳтоҷлар ҳақини қаҳр билан олиб берарди; ғазаб қилган вақтида сиёsat ва савлат қовоги осилиб қонхўр Баҳром жўссасига титроқ тушарди.

Б а й т :

Уруш чоғи унинг вужуди заҳар,
Базм аро қалби ой олам ёритар.
Тунни кундуз каби қиласи равшан
Умидворлар учун сочиб ганж туман.

Жингшухоннинг биродари Йисун Темурхон. У давлат чехрасини кенгаш билан равшан этган ва салтанат байрогини йўл-йўриғи билан юксалтирган бир (подшоҳ) эди; зулм хирмонини сиёsat билан ёқиб ташлади ва мазлумлар ҳожатини адолат билан ўринлатди.

Н а з м

Юртга сўзи ила кўрсатди йўл,
Подшоҳлик учун бу иш келди қўл.

Боши узра тож сарбаланд эди,
Тахт талъатидан ранг-бараң эди.

Үктойхон наслидан бўлмиш Али Султон Йисун-Темурхон устига юриш қилди, ноҳақлик ва зўравонлик билан хонлик тахтига ўтириди; хон хазинасини талон-торож қилди, ҳамда Туманахон мұхри босилган ва (кейинчалик), уни Чингизхон ва Қарачор-нүён янгилаб, имзо чеккан Қабулхон ва Қочули аҳдномасини йўқ килиб юборди.

Б айт:

Сипоҳни бошқарар экан ситамгар,
Давлат иши бош-оёқ издан чикар.

Мұхаммад ибн Пўлодўғил ибн Қўнжакхон ибн Дувохон. У подшоҳлик ҳашамати билан ўз даври султонларидан ажралиб турарди. Унинг баҳтиёр замонида зулм эшиги бутунлай берк ва адолат эшиги доим очик эди.

Н а з м

Адолатли подшоҳ замони боқди,
Давлат суви яна ўзандан оқди.
Барча кам-кўстлардан нишон оз қолди (в. 81 б)
Фитна тунини даврони тонг қилди.

Қозон-Султон ибн Йисун-Темурхон³⁹. У етти юз ўттиз учинчи (1332—33) йили Мовароуннарда хонлик тахтига ўтириди. Ўша пайтлар Эрон тахтини Абу Сайд-баҳодирхон эгаллаб турарди ва яна уч йил Эрон тахтида подшоҳ бўлиб турди.

Абу Сайд-баҳодирхондан⁴⁰ сўнг, Эрон тахтида ҳукмронлик қилган, Чингиз (хон) авлодига мансуб бошқа хонлар — жумладан Арпахон, Мусохон, Мұхаммадхон, Тағой-Темурхон, Сотибек Мұхаммад Худобанда Улжойтухон кизи, Сулаймонхон, Нўширвонхон ҳаммаси унинг (Қозон-султон) замондошлари эдилар.

Қозон-султонхон подшоҳлиги айёмида ҳумоюн ҳазрат Соҳибқирон (Амир Темур) овозаси

Б айт:

Оlamга келди, деди иқбол баҳтга,
Энг муносибу мос шул эрур тахтга,

деган байт (мазмунидан) иборат турго билан қутли ва саодатли тарзда зийнат топди.

Б айт:

Башарият иқбол лангарини ваъда қилингандек йўнди
Ва юксак уфқ баландлигидан ғалаба юлдузи кўринди,

деган мазмунни ифода этди.

. Қозон-султонхон ва ундан сўнг Чигатой улусида (хукмрон) бўлган бошқа хонлар аҳволининг шархи, санаб ўтилган тартибда, биринчи маколани ^{40a} ёзётганда ўз ўрнида келажак.

Чигатойхон ва унинг болаларию невараларининг салтанати муддати то Қозон-султонхон (даври) гача, бир юз тўқиз йилдир.

Йигирма учинчи — **Донишманҷаҳон**⁴¹, Уктой-қоон наслидан. Гарчи нисбаси Чигатойхонга етмасада, бироқ, ул улуснинг подшоҳлик (тахти) унга тегди.

Б айт:

Фалакнинг не ажаб гардишлари бор,
Юрт узра у бўлди олий ҳукмдор.

Йигирма тўртинчи — **Баёнқулихон**⁴² ибн Суфдо-ўғлон ибн Дувохон. Йигирма бешинчи — **Темуршоҳхон**⁴³ ибн Йисун-Темурхон ибн Абукан ибн Дувохон. Йигирма олтинчи — **Туғлуқ Темурхон**⁴⁴ ибн Эмилхожа ибн Дувохон. Унинг ҳақида ушбу китобда яна тўхтаб ўтилади; Олмалиғда, у учун маҳсус курилган макбарада дағн этилган. Ул диёр удумига кўра подшоҳлар қабрини олтун атайдилар.

Йигирма еттинчи — **Илёсхожа**⁴⁵ Туғлуқ Темурхон ўғли. Йигирма саккизинчи — **Кобулшоҳ**⁴⁶ Рўжи ибн Ийкжидой ибн Дувохон ўғли. Йигирма тўққизинчи — **Одилсултон** ибн Муҳаммадхон ибн Пўлодўғил ибн Кунжакхон ибн Дувохон. Ўттизинчи — **Суорғатмишхон**. Ўттиз биринчи — **Султон Маҳмудхон** ибн Суорғатмишхон⁴⁷.

(Шундай қилиб), Чингизхон (в. 82 а) ва унинг фарзандлари ҳамда ул насл-насабга мансуб турли хонлар (ҳақида), уларнинг ишончли тарихларидан ва бошқа машҳур китобларда битилган (ёзма) маълумотлар ва хабарлар ўрганиб чиқилди ва мазмунидан хабардор бўлинди; (сўнгра) тўла куч-ғайрат ва эътибор билан ул аҳвол таҳқики ва тафтишига киришилди; умумий хулоса, (кўзланган мақсаддан) мустасно тариқасида ушбу «Муқаддима»да ўзига хос тартибда, равшан иборалар билан келтирилди.

Гарчанд, бу «Муқаддима»ни баён қилишдан асосий мақсад аълоҳазрат Соҳибқирон (Амир Темур) наслбини аниқламоқ бўлса-да, бироқ Чингизхон ва унинг авлодлари зикрида ҳам батафсилроқ тўхташга тўғри келди. Токи, заковат соҳиби бўлмиш билимдонлар унинг мазмунидан воқиф бўлгач, ҳазрат Соҳибқиронинг бундан кейин сўз борадиган ҳол-аҳвол ва зафарларидан (тўлароқ) огоҳ бўлсинлар. Ҳамда улар аниқ билсингларки, то биз сизларни ерда халифа қилиб тайинладик, ⁴⁸ — (ояти) девонининг муншийси баҳтиёр султонлар саодати фармонига — сен истаган кишингга мулк ато қилурсан⁴⁹ — (ояти) имзосини чекиб, гардунқудрат подшоҳлар саодати ҳукмномасини, — сен истаган кишингни улуғлайсан⁵⁰, — (оятининг) оламоро туғроси билақ безаган чоғдан бошлаб, салтанат ва жаҳондорлик соябони ҳеч қачон ҳазрат Соҳибқирон (бошига туширгандек) сояни бирор-бир соҳиб давлатнинг бошига ташламаган ва уникуга ўхшаш баҳтиёр шажарани замона кўзи тушда ҳам кўрмаган; унинг ҳукмронлик ва баҳтиёрлик муддати то дунё тургунча давом этсин ва бўқий бўлсин.

Чунончи, қанча буюк тарихчилар, жумладан, «(Тарихи) ко-

мил»нинг муаллифи Ибн ал-Асир ва бошқа улуғлар, Одам (ато) замонидан то ҳозиргача, жаҳондорлик бобида ва ўлкаларни забт этишда ҳамда ҳукмронлик килиш ва бошқариш санъатида бирор подшоҳ Чингизхон даражасига етмаган, деб шарҳлаганлар ва муболага қилганлар. Ваҳоланки, Чингизхон бутун турк қабилалари-ю, мӯгул лашкари билан босиб олган мамлакатларни, охирида (улар) тўртта катта улусга бўлинди, шунингдек, икки юз йилдан ортиқ вакт мобайнида фарзандлари ва набиралари кўлга киритган ўлкалар ва катта шаҳарларни, ҳазрат Соҳибқирон тангри измининг кўмаги ва унинг,— бизнинг қўшинимиз ғалаба қилғувчилардир,⁵¹ — деган ваъдасига кўра, бир улус сипоҳи билан ўттиз олти йил муддат ичидан забт этди. Унинг устига Шом, Хиндистон ва шунга ўхшаш яна бир қанча ўлкаларни ҳам фатҳ қилди.

(Яна бир томони), Чингизхон қайси шаҳар ва вилоятниким босиб олган бўлса, на ул жойдан асар қолди-ю, на улусидан хабар. Ҳазрат Соҳибқироннинг баҳтиёр замонида фатҳ этилган жойлар эса, (в. 82 б) низочилар ва душманларнинг ихтиёридан бутунлай чиқди ва ул ҳазрат Соҳибқирон (Темур) даргоҳидаги вакиллар кўл остига ўтди. (У жойлар) аҳволи олдингисидан ҳам анча яхширок ва ободроқ, ҳалқи эса тинч ва курсанд бўлди. И б о р а : (Салтанатини) у ёғидан бу ёғигача кўз илғаб етмайди.

Бу, киёслаб чиқиб, очиқ-ойдин қайд этилган тафовутдир. Акс ҳолда, бу борада ўрнидурким, афзалроғи, аниқ ва равшан,— биз мусулмонларни коғирлар билан баробар қилмадик. Сизларга нима бўлди, қандай килиб шу тарзда ҳукм чиқарасизлар?⁵² — (оят сўзлари) етарлидир. Саодат нишонли бу шажаранинг энг яхши далили-ю ҳукмдорлигининг юксалиб бориш мазмуни (учун),— Имон келтирган ва яхши амаллар қилганларни, ер юзида бузгунчилик қилганларга тенглаштирамизмӣ ёки тақводорларни бузуклар билан баробар қиласизми?⁵³ — (ояти сўзлари) кифоядир.

Дарҳақиқат, устунлик ва истилодан мақсадлари факатгина дунёвий ҳой-ҳавасга ва бу олам ўткинчи лаззатларига эришишдан иборат шахслар билан диндор, ишлари мақтовор сазовор ҳамда олам нишонли байроқни ўрнатишдан мақсади ислом (дини) ни юксалтириш бўлмиш кишилар ўртасида фарқ катта. (Бундай кишилар) мусулмончиликни мустаҳкамлаш ва давлатни бошқариш ишларини мустафо шариати яна ҳам кучайсин, деб олиб борадилар. Улар подшоҳлик ҳашамини Оллоҳнинг буюргани-ю ҳамда ман этилганини (элга) билдириш учун курадилар.

Ҳозирги вақтда рубъи масқуннинг⁵⁴ қайси бир жойидаки тинчлик-омонлик сабзаси унган экан, ёки адолат гули очилган экан уларнинг зулмни ёндирувчи қиличи ёрдамида бўлгандир; ҳар гўшадаки аҳилчилик шамъи ёнган экан ёки ҳар бир уйдаки (истом) удуми қандили нур сочган экан, уларнинг (салтанати) шуъласидандир... (бу ерда муаллиф Амир Темур хонадони учун Оллоҳдан эзгу тилак тилайди).

«Муқаддима»дан иборат ушбу қисса ва ҳикояларни исбот ва танқидий (хулоса тариқасида келтиришдан) мақсад ҳазрат Соҳибқироннинг насабини аниқламоқдир.

Шу билан бирга, Қарачор-нўён ва унинг номдор ота-бувалари ҳакида то Ёфас ибн Нухгача ва ундан то Одам алайхиссаломгача бўлган хабарлару қадимий маълумотлар шарҳлаб ўтилди. Унинг азиз фарзандлари ҳакида ҳам сўзламоқ лўзимдур, токи насаби силсиласи улансин ва кўзлаган мақсад тўла амалга ошсин.

Хуллас, Қарачор-нўёнинг кирқ хотини бўлиб, худо унга ўнта ўғил каромат қилган эди. Жумладан: Юлдуз, Ясўко (в. 83 а) Лоло, Шаръя, Ийжил. Уларнинг энг тўнгич ва баркамоли Ийжил-нўён эди, у отаси ўрнини эгаллади.

Назм:

Мўғул удумига кўра ҳар доим ўғиллар,
Ёш (катталигига) қараб тахтга ўтирадлар.
(Ийжил-нўён) ботир, бағри кенг, жанговор эди,
Адоватни тўхтатувчи, ўлкаларни забт этувчи шоҳ эди.
Химмат чоги гавҳар сочувчи булут мисоли,
Ўч олишда душман овловчи йўлбарс мисоли.

Унинг (Ийжил-нўён) бир неча фарзанди бўлиб, каттаси Илангиз-нўён эди, Амир Ийжил Хулогухон билан Турондан Эронга кўчиб кетганида, у Чигатой улусида (отаси) ўрнида қолди.

Байт:

Отаси каби, қўмак бўлиб шоҳга,
Юртга ҳомий бўлди, паноҳ сипоҳга.

Ундан Буркул исмли бир ўғил қолди.

Назм:

Мирлигу шоҳликка майд қилмади,
Дин йўлин таилаб гўшанишин бўлди.
Кеш худуди эди унинг маскани,
Барча ўлкалардан хуш топди уни.

Унинг икки ўғли бор эди: амир Тарагой ва амир Балта. Амир Тарагой ҳазрат Соҳибқирон (Амир Темур)нинг отасидир.

Маълумки, тонгда куёш чиқиши яқинлашган сари, унинг қутлуг нурларидан олам ёруроқ ва ёрқинроқ бўлиб боради. Амир Тарагойнинг бутун эътибори мусулмончиликни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга қаратилганлиги учун давлати худуди доим уламо-ю фузало ҳожатларининг (адо этиш) қибласи ва олий мажлиси солиҳлару ҳамда фуқаро (ахлининг) йигингоҳи бўлди. У қадрли шайх Шамсуддин кулоргага⁵⁵ сидқидиддан ихлос қиласди ва унинг муборак қабрига (зийрат учун) тез-тез бориб турарди. (Бу шайх) хирқаси⁵⁶ жиҳатдан каромат наслабли, раҳматли художўй шайх-ул-ислом шайх Шаҳобуддин Суҳравардийга⁵⁷,— Оллоҳ унинг азиз руҳини муқаддас этсин,— бориб етади.

Н а з м :

Саховати уммону карами дунё,
Эзгулик сохибию художўй, зебо.
Кафти абридан тоза химмат бўстони,
Сўзидан мунаввардур вужуд осмони.

Етти юз олтмиш иққинчи (1360—61) йил, яъни сичқон йили Кеш худудининг дилкаш заминида,— Эй ором топгувчи жон, сен парвардиго-рингдан мамнун, парвардигоринг сендан рози бўлғон ҳолда, унинг даргоҳига қайтғил⁵⁸ — (оят) ниносини қабул этди ва уни⁵⁹ отаси, туғишганлари ва бошқа қариндош-уруглари қошига кўйдилар. Етти юз етмиш бешинчи (1373—74) йили Соҳибқирон (Темур) химмат меъмори улӯғ шайх Шамсуддин кулорнинг,— қабри мунаввар бўлсин,— жомеъ масжид ёнида жойлашган мазори қошида бир гумбаз-мақбара қурдирди ва уни ўша ерга кўчиртириди.

Б а й т :

Рухи жаннат ичра нурга чўмсин,
Ҳақ васлиға етиб масрур бўлсин.

Чунончи, юқорида ҳикоя қилинганлар асосида, разшан ва аниқ бўлдики, аъло ҳазрат Соҳибқироннинг насаби қўйидагичадир: муаззам сulton, адолатли-ю карамли ҳоқон, Оллоҳнинг мамлакатлардаги сояси, сув билан лойнинг⁶⁰ қаҳрамони (в. 83 б), саховатли подшоҳ — (Оллоҳ) кўмаги билан қўллаб-куватланган, ҳақиқату салтанат ва дунё-ю дин кутби Абу-л-Музаффар⁶¹ Темур кўрагон ибн амир Тарагой ибн амир Буркул ибн Илангиз-баҳодир ибн Ийжил-нўён ибн Қорачор-нўён ибн Суғу-чечан ибн Эрдамчи барлос ибн Қочули баҳодир ибн Туманаҳон ибн Бойсунгурхон ибн Қайдухон ибн Дутуманиҳон ибн Буқоқоон ибн Бўзунжархон ибн Алонкуво, қайсиким Куён наслига мансуб эди. Қуённинг нисбаси эса, то пайғамбаримиз Одам(ато) гача,— унга (Оллоҳнинг) раҳмати ва саломи бўлсин,— (бориб етади ва бу ҳақда) илгари айтиб ўтилди. (Амир Темурнинг) олий насланинг аҳволи, қайсиким «Муқаддима»ни ёзишдан асл мақсад ҳам уни баён қилиш эди, ва у амалга ошиди. Энди Ҳазрат Соҳибқироннинг ўз тарихини ёзишга киришмөқ вақти етди.

ИЗОҲДАР

1. Одами соний — иккинчи Одам, яъни Одам-атодан кейинги.
2. Искандар Зулкарнайн — Александр Македонский (жилил. 356—323).
3. Бойни шаҳри — Месопотамиядаги қадимиш шаҳри.
4. Салангой — қозирга Селенга дарёси, Банжал кўлига ҳуйлади.
5. Уртоғ ва Куртоғ — хозирги Хангай ва Монголия Олтойи тоғлари. Коракурум-Хангай тоғлари этагидаги қадимиш шаҳар, ўрта асрларда Мўгулистонининг пойтахти.
6. ... тантрига синингагунингча — матнинг дохделар исломгача бўлган даврларга ондлиги ўтиборидан, «мусулмон» сўзида яхаксодилик ўтиқодидин тушуниш керак, у исломда ҳам ўтироф ўтилган; «куфра ширик» дегандা эса-турли маҳаллий ўтиқодилар назарда тутилган.
7. ...ударнинг тобеълари — кўла остидагилари, унга бўйсунувчилар.
8. Талаш шаҳри — Талас (Козогистондаги хозирги Жамбул) шаҳри; Ўрта аср араб ёзма манбаларидаги Тароз.
9. Гур сарлари — Хуросондаги тоғлил вилоят
10. Имрон қизи Марям — Исо пайтамбарининг онаси биби Марям
11. ... отасиз домиладор бўлған — яъни ёрзис
12. Марям қиссанси — бу қисса Куръони каримининг Марям сурасида батғасил баён қилингани.

13. Абу Муслим Марвазий — Абу Муслим Абдурахмон ибн Асад Марвазий (727—755) Ўрта Осиё ва Хуросонда умавийлар халифалиги (661—750) зулмига карши кўтаришган кўзболон (747—750) раҳбари, Аббосийлар халифалигига боин кўмандон ва уларнинг Хуросондаги ноиби. У 755 йили иккичи аబбосий халифа ал-Мансур (754—775) бўйруги билан катл этилган.
14. Раби ал-аввалинг боши Абу Райхон Берунийнинг хабар беришча, исломнинг дастлабки йилларида раби ал-аввал они, (хижрий-камарий йил хисобида учинчи ой)нинг боши Мухаммад пайғамбар томонидан улуғ кун деб эълон килинган.
15. Кайвон — Сатурн (Зуҳул) съярёси; кадимги мунахжимлар ақидасига кўра, у энг баландда, еттинчи осмондан харакат килилди.
16. ... мамлакатларин эгаллайди — Чингизхон назарда тутилган.
17. ... сенинг — Коучули назарда тутилган
18. ... жаҳонгирлик килганди — Амир Темур назарда тутилган
19. Баҳром — Мирриҳ (Марс) сайдерасининг номи, кадимги мунахжимлар уни уруш юлдузи деб билгланлар.
20. Фаридун — Абулқосим Фаридавий «Шоҳномаси»деги таъкидланнишча, кадимти Эрои подшоҳларидан.
21. Бешбалий — Шарқий Туркостондаги кадимий шахар, хозирги Турфон шахрини бўлган, 8—14-асрлар ёзма манбаларидаги тилга олинган; 14-асрга келиб харобага айланган, тутаган.
22. Ому соҳили — Амударё бўйлари.
23. Ноймон (найман) — туркӣ халклар таркибидаги уруплардан бири, дастлаб Олтой ва унга жанубдан туаш ёрларда яшаган. Ноймонлар кейинчалик (18-асргача) Қозогистон ва Ўрта Осиёга тарқалган.
24. Куръони карим, Бакаре сураси, 19-оятдан.
25. Куръони карим, Бакаре сураси, 20-оятдан.
26. Ўд йили (ут йили) — мучал хисобидаги иккичи йилнинг номи; хозирги аталиши «сигир йили».
27. Тавушон йили — мучал хисобидаги тўртинчи йилнинг номи; хозирги аталиши «куён йили».
28. Катта ўрду — Чингизхон империясининг пойтхати Коракурум шахри.
29. ... бойликларни — олик-солик.
- 29^a. Олмалиғ — Или водийсигаги йирик шахар. Хозирги вактда унинг ўрнида шу номда кишлек бор. Ғулжа шаҳридан шимоли-гарбда.
30. Тўғриси: Бурукон ибн Ийусн-Дуво ибн Мутутэн ибн Чигатой^b 1265—1271 йилларда Чигатой улуси ҳокими
31. Бекшиён ибн Широмуя — Укто-коон (Угтэй-коон) авлодидан.
32. ... баҳру баҳр — сув ва куруник.
33. Кебекхон (ёки Кепеккон; 1318—1325) — Бурокхоннинг невараси, Чигатайхон наслидан.
34. Карши — хозирги Кашикадарё вилоятининг маъмурий маркази.
35. Тармаширинкон — вафоти 727 (1326—27) йил, баъзи маълумотларда 729 (1328—29) йил, Нахшаб: «Зафарнома» да 728 йил.
36. ... фоний саройда — бу дунёда
37. ... дини Мухаммадий — истом дини.
38. ... милиати Аҳмадий — мусулмонлар.
39. Қозон-султон — 747 (1346—47) йили ўлдирилган.
40. Абу Санд-баҳодирхон — Эроннинг 717 (1317) — 736 (1336) йиллардаги хукмдори, Чингизхон наслидан.
- 40а. ...биричин макола — «Зафарнома»нинг асосий кисми, яни Амир Темур тарихи назарда тутилган.
41. Донишманджа — 747 (1346—47) йили хонлик таҳтига ўтири, 749 (1348—49) йили ўлдирилган.
42. Баёнигулим — Чигатай наслидан, 749 (1348—49) йили хонлик таҳтига ўтири, 759 (1357—58) йили ўлдирилган.
43. Темуршоҳ — Чигатай наслидан, 759 (1357—58) йили хонлик таҳтига тайинланган.
44. Туглук Темурхон — 748 (1347) — 764 (1362—63) йилларда Мўгулистон хони.
45. Илёсюқоҳи бўй Туглук Темур — 764 (1362—63) — 765 (1363—64) йилларда Мўгулистон хони.
46. Кобулоҳшоҳ — Чигатай улусининг гарбий кисмига 766 (1364 — 65) йили Амир Ҳусайн ва Амир Темур томонидан анванага кўра Чингизхон наслидан номигина тайинланган хон.
47. Суяргатмишон ва Султон Махмудхон — Моварооннаҳр таҳтига номигагина тайинланган Чингизхон аязлидаги мансуб юндулар.
48. Куръони карим, Юнус сураси, 14-оятдан.
49. Куръони карим, Оли Имрон сураси, 26-оятдан.
50. Куръони карим, Оли Имрон сураси, 26-оятдан.
51. Куръони карим, Ас-Софҳот сураси, 173-оят.
52. Куръони карим, Калам сураси, 35—36-оятлар.
53. Куръони карим, Сод сураси, 28-оят.
54. Руби маскун (арабча) — «Обод чораги»; ўрта аср Шарқ география фанида Ерни тўрт кисмга бўлиб, унинг факат бир чораги (ассосан Евросиё материги) обод, леб хисоблаганлар.
55. Шамсуддин кулоҳ — матнда шундай ёзилган, лекин кўпроқ Шамсуддин кулоҳ (вафоти 1371 й.) номи билан машҳурdir; нақшбандийлик-хўжагон тарикатининг наомояндларидан.
56. Ҳирка — суфийлик таълимотига шайхлик даражасининг бир шайхдан бошқасига ўтиши.
57. Шахобуддин Абу Ҳафс Умар ибн Мухаммад ал-Бокирий Суҳравардий (539/1144—632/1234) — суфийлик таълимотининг пешволаридан бири.
58. Куръони карим. Фажр сураси, 27—28-оятлар.
59. ... уни — яъни стаси Амир Тарағой жасадини.
60. ... сув билан дойининг — яъни инсоннинг бу ерда инсоннинг Оллоҳ томонидан лойдан ясалганлиги хакидаги ривоят назарда тутилган.
61. Абу-л-Музаффар (арабча) — айнан «зафарнинг отаси», Амир Темурнинг лакаби.